

қилмайди. Жума, икки ийд намази, эҳром ва Арафа учун (ғусл) суннатдир.

Балоғатга етган ҳар бир эркак-аёл ўзига ғусл вожиб бўлган ҳолатнинг «катта бетаҳоратлик» эканини яхши билиб олмоғи лозим. Таҳоратни вожиб қиладиган ҳолат эса «кичик бетаҳоратлик» деб аталади. Ғуслни вожиб қиладиган омиллар қуйидагилар:

1. Ажралиб чиқаётганда отилиб, шаҳват билан келадиган манийни тушириш.

Аввало ушбу бобда тез-тез такрорланиб турадиган баъзи истилоҳларни ўрганиб олайлик.

«Маний» – шаҳват шиддатлашган пайтда отилиб чиқадиган суюқликдир.

Эркак кишининг манийси қуюқ ва оқ, аёл кишининг манийси суюқ ва сарғиш бўлади.

«Мазий» – эркак кишининг жинсий аъзосидан жинсий алоқани ўйлаган ёки хотинини қучоқлаган пайтда чиқадиган оқ суюқлик.

«Вадий» – бавл қилгандан кейин баъзида ажраладиган қуюқ оқ суюқлик.

Мазий ёки вадий чиққанидан ғусл қилиш йўқ.

Маний шаҳват билан отилиб чиқса, ғусл вожиб бўлади.

Бунда бошқа жинсдаги шахсга назар солиш, жинсий яқинликни тафаккур қилиш, бевосита қучоқлашиш ва шунга ўхшаш барча омиллар туфайли манийнинг шаҳват билан отилиб чиқиши назарда тутилади.

Аммо маний шахснинг оғир нарса кўтариши, баланд жойдан йиқилиб тушиши каби омиллар туфайли шаҳватсиз равишда чиқса, ғусл вожиб бўлмайди.

Ҳанафий мазҳаби ижтиҳодига биноан, эр ва аёл кишидан, хоҳ уйқуда бўлсин, хоҳ уйғоқликда бўлсин, маний шаҳват билан отилиб чиққандагина, ғусл вожиб бўлади.

Биров мастлик ёки ҳушидан кетишдан сўнг ўзига келганида ҳўлликни кўриб, маний деб гумон қилса, ғусл вожиб бўлади.

Уламоларимиз манийдан ғусл қилиш вожиб бўлишига қуйидаги ривоятни далил қиладилар:

«Агар туширмаса ҳам», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда:

«Хатна қилинган жой хатна қилинган жойга тегса», дейилган.

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Ғусл вожиб бўлиши учун эркакнинг хатна қилинадиган жойи аёлнинг хатна қилинадиган жойига тегса бўлди. Иссиқ минтақаларда, хусусан, араб юртларида қизларни ҳам хатна қилиш одати бор. Унда фаржнинг ичидаги бир оз ўсиб турадиган қисми хатна қилинади. Уламоларимиз: «Эркакнинг хатна қилинган жойи аёлнинг хатна қилинган жойига тегиши учун эркак аъзосининг бош қисми аёл аъзосига кириши керак», дейдилар. Ана шу ҳолат содир бўлса, икковларига ҳам ғусл вожиб бўлади.

Қўшимча қилиб айтадиган маълумотлардан яна бири шуки, уламолар: «Закар номики, асл фаржга кирса, ғусл вожиб бўлаверади», деганлар.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобидан